



Дунёни, инсониятни ларзага солган Иккинчи жахон урушининг хал килувчи, энг хаяжонли дамлари... Миллионлаб одамларнинг ёстигини куритган Фалокатнинг якуни якин. Якун нурли бўлиши учун яна неча миллионлаб инсоннинг кўллари дуода... Бундай вазиятда Ватан химоячилари — аскарлар иродасига таъсир этувчи ҳар қандай куч катта аҳамиятга эга. Шундай ўта муҳим пайтда ёзувчимиз Максуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмаси дунёга келди.

Ўтмишда Чингизхондай кудратли кучга қарши тура олган, мардонавор курашган Ватан тиргаги — Жалолиддин Мангубердининг қахрамонликларини жонлантира олган драма Иккинчи жахон уруши йилларининг жанговар вазифаларига катта хизмат кўрсатди. Мазкур асар театрда сахналаштирилди. Манбаларда кўрсатилишича, Мангубердининг кишида хаяжонли фахр туйғусини жунбушга келтира оладиган қахрамонликлари акс этган мазкур драма урушга кетаётган аскарларга махсус намоиш этилиб, фронтга жўнатилган экан. Бу эса аскарларда жанговар рух ва шижоат уйғотиб, душманга нафратни кучайтирган...

Ана шундай ватанпарварлик туйғусининг кучаювига сабаб бўлгучи буюк аждодларимиз, хусусан, Жалолиддин Мангубердининг жасоратлари асрлар ўтса ҳамки, ўз кадр-кимматини, аҳамиятини йўқотмайди. У кишида Ватанпарварликдек Олий Туйғуга хизмат қилиш импульсини жўш урдириб туради...

Жалолиддин Мангубердининг якин аъёнларидан бири бўлган, машҳур тарихчи Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий буюк бобомизни шундай тасвирлаган: «...У бугдойранг, ўрта бўйли, туркий кийфали ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга, форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, жанглардаги қахрамонликларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, кўркмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У... жахлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, қулмасди, факат жилмайиб кўярди, кам гапирарди...»

Машҳур тарихчи Бартолд Мангубердига баҳо берар экан, буни шундай ифода этади: «...Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад кейинчалик Жалолиддин кўрсатган ва мумкин бўлган қаршилиқ ҳаракатининг учқунини ҳам кўрсата олмади». Дарвоқе, шу ўринда Мангубердининг отаси — Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳақида турк тарихчи олими Ойдин Тонарий ёзган баъзи бир маълумотларни келтириб ўтсак.

Тарихда буюк из қолдирган хоразмшоҳлар сулоласининг машҳур сиймоларидан бири

бўлган Алоуддин Мухаммад (хукмронлик даври 1200 — 1220 й.) даставвал Гур султонлари Шихобиддин ва Гиёсиддин билан жанг килди. Гурийлар Марв, Тус ва Хуросонни кўлга киритиш ниятида эдилар. Алоуддин Мухаммад Нишопур, Марв, Сарахсни забт этди. Ундан сўнг Хоразмшоҳ кўп жанглар ўтказди, гурийларни кучсизлантириб, уларнинг кўп ерларини тортиб олди. Бора-бора, бир вақтлар кудратли хисобланган гурийлар давлати Алоуддин Мухаммаднинг тазйиқи сабаб, парчаланиб кетди...

Алоуддин Хоразмшоҳ бундай натижаларга кўп жихатдан корахитойлар оркали эришди. Бирок у кейинчалик, кудрат касб этиб бораётганини хис килди, ўзи вассал бўлган корахитойларга карши юришлар килиб, уларни енгди. Ундан кейин Хоразмшоҳ Табаристонда бовандийлар хукмронлигини йўқ килди, Самарканд султони Усмонни ўлдириб, корахонийларни тарих сахнасидан бутунлай чиқариб юборди. Дашти Кипчокдаги кўчманчи кипчокларнинг устидан ҳам галаба қозонган Алоуддин Мухаммад 1215 йилда Сигнокни ўз давлатига кўшиб олди.

Айни пайтда Эрон ва Афғонистонда ҳам обрўси ошиб бораётган Хоразмшоҳ Газна ва унинг атрофини босиб олди. Бу ерларни у ўгли Жалолиддин Мангубердига берди. Алоуддин 1217 йилда Форс отабеги Саъд ибн Занги ва Озарбойжон отабеги Ўзбекни енгиб, ўз итоати остига олди.

Шундай килиб, Хоразмшоҳлар империяси янада кенгайиб, Сирдарёдан Ироқи Арабга чўзилган улкан худудга эга бўлди ва ўша давр Ислом оламининг энг кудратли давлатига айланди.

Бирок шундай кудратга эга бўлган султон Алоуддин Мухаммад ўз давлат механизмига тамомила хукмрон бўла олмади. Мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатида ўзига хос диархия — иккихокимлик тузуми вужудга келган: мутлак хукмдор деб султон Мухаммад хисобланарди, иккинчи тарафдан у ўз онаси Туркон хотуннинг итоатида эди. Туркон хотун эса давлатнинг ички ва ташқи ишларида иккинчи хукмдор, айрим масалаларда ҳатто султонга муҳолиф ҳам эди. Хоразмшоҳнинг буйруқ ва фармонлари кўпинча кудратли Туркон хотун томонидан бекор қилинар ва ҳеч қандай қучга эга бўлмай қоларди.

Шихобиддин ан-Насавий шундай ёзган: «...Хоразмшоҳ онасига карши чиқолмас эди... кичик ишларда ҳам, жиддийларида ҳам, аҳамиятсизларида ҳам. Бу икки сабабга кўра эди: биринчиси — фарзандлик бурчи бўлса, иккинчи ва энг асосийси, мамлакатнинг барча амирлари онасининг уругидан эканлиги».

«Жаҳон ҳокими» деган лақабга эга бўлган Туркон хотун фақат султонга ҳукмини ўтказибгина қолмай, балки молия ишларини ҳам бошқарарди ва амирлар, амалдорларга ҳам фармон берарди. Бу ҳолат мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги аҳволнинг барқарорлигини бирмунча йўқотди.

...1218 йилда Мовароуннахрга келган Чингизхон элчилари Алоуддин томонидан қабул қилинди. Икки ўртада савдо шартномаси тузилди. Бирок Чингизхоннинг савдогарлар қарвони Ўтрорга келганда шу ернинг ноиб Инолхон уларни қатл этиб, мол-дунёларини тортиб олади. Аслини олганда, қатл этилганлар савдогарлар никобидаги жосуслар экани аён бўлса ҳам, аниқ исботлар йўқлиги сабаб, бу ўта жиддий сиёсий ҳатога айланди. Бу мудҳиш воқеа оқибатда неча-неча минглаб мусулмонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди...

Ғазабланган Чингизхон Инолхонни беришни талаб қилиб, Мухаммад ҳузурига ибн Кафраж Бугра исмли машхур киши бошчилигидаги элчиларини юборади.

Бирок Хоразмшоҳ Алоуддин Мухаммад ўгли Жалолиддин Мангубердининг сўзига кирмай, Инолхонни Чингизхонга бермайди. Бу ҳам етмаганидай, ибн Каффраж Бугра ва унинг йўлдошларини катл қилиб юборади.

Бугранинг ўлдирилишидан ниятда тушкунликка тушган Чингизхон уч кечаю уч кундуз танҳо ўзи ибодат қилиб, Худога қарата илтижо қилган экан: “Эй Парвардигор, эй тозик ва туркларнинг яратгувчиси, бу жанжални бошлаган мен эмасман, касос олишга қувват бер!”

Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳ ҳарбий кенгаш қақиради. Унда атоқли давлат арбоби Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивакий Алоуддинга барча лашкарлар билан (600 минглик!) Чингизхонга қарши чиқиш қерак, деган таклифни ўртага ташлайди. (Чингизхоннинг қўшинлари сони Хоразмшоҳникидан 3-4 баробар кам эди!)

Мангуберди ҳам фойдали маслаҳат беради. Унинг фикри бўйича, душманни Мовароуннахрга қиритиб, сўнг маҳаллий ерни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни яқсон этиш кўзда тутиларди. Бирок Алоуддин Мухаммад бу таклифларни рад этиб, барча қўшинини шаҳар ва қалъаларга бўлиб, парчалади.

(Баъзи тарихчилар бу охири яхши ўйланмай қилинган ишга Алоуддин Мухаммаднинг Чингизхонни менсимагани сабаб бўлган,

дейишса, бошқа тарихчилар бу пайтда Хоразмшоҳнинг ўз атрофидаги аъёнларига ишончи сусайгани вақт бўлди, деб ёзишади.) Оқибатда, Чингизхонда рақиб қучларини биттама-битта, осонгина қириб ташлаш имкони тугилди ва у буни уддалади ҳам.

...Биринчи қарбани Чингизхон 1219 йилда Ўтторга берди. Бунинг муҳим сабаби бор эди: Чингизхоннинг ўз ҳисоб-қитоби бўлган Инолхон бу шаҳарнинг ноибиди. Ўттор беш ой қамал қилиниб, Инолхоннинг одами Хожиб Қорача ҳоинлиги сабаб, ишқол қилинади. Инолхонни Чингизхон ҳузурига олиб қелишади. Сўнг эса, Инолхоннинг кўзлари ва қулоқларига қумуш эриттириб, қуйишади...

Хожиб Қорачани эса Чингизхоннинг ўғиллари олдига олиб қелишганда, улар: «Сен ўз ҳожанга нисбатан ҳоинлик қилдинг. Ваҳоланки, у сенга қўп яхшиликлар қилган ва сендан миннатдорлик қуттишга ҳақли эди. Шунинг учун биз сенинг содиқлигинга ишонмаймиз», деб қатл этадилар...

Вазиятнинг қулайлигидан ва қаросимага тушган, ён-атрофидаги аъёнларига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган Алоуддин Мухаммаднинг абор аҳолидан фойдаланган Чингизхон Мовароуннахрнинг дастлаб энг йирик шаҳарларини босиб ола бошлади, шундан сўнг, қучсиэроқ вилоятларини осонлик билан қабт этади. Тарихда мисли қўрилмаган қатлиомлар қўй беради, муслмонлар қони қарё бўлиб оқади.

Тарихчилар айтганидек, “бунда қаслим бўлганлар ҳам, қаршилиқ қўрсатганлар ҳам омон қолмадилар”. Вазият шу қаражага етиб қелдики, Балхдан Тусга аранг қочган Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ Қавлатобод қақинида бўлиб ўтган жангда зўрга қонини қутқариб қолди. Изма-из қувиб қелаётган қашқатли таъқибдан қонсарак бўлиб қолган Мухаммад Султон Қазар(қозирги Қаспий) денгизининг жануқи-шарқ қисмидаги Абисқин оролларида бирига яқиринди. У ерда қашқаланиб, қашқоқлик ва қор-қорликда 1220 йили вафот этди. Энг қожеалиси, бир вақтлар олами қарзага қелтирган, қудратли империянинг ҳуқмдори, бехисоб бойликлар эқаси Алоуддин Мухаммадга қатто арқирли бир қой ва қатто қаванлик ҳам қопилмади. Унинг мулозимларида бири ўз қўйлагини йиртиб, қаванлик қилиб ўрайди...

Султон Алоуддин Мухаммад ўлимида бир неча қун олдин ўғиллари Жалолиддин, Оқшоҳ ва Ўзлокшоҳни ҳузурига қорлаб, “Мангубердида бошқа ўқимни оладиган, бу

харакатни тўхтатадиган ўғлим йўк. Уни ворис этиб тайинлайман. Унга итоат этингиз” дейди ва киличини ўз кўли билан катта ўглининг белига боглайди. Шу билан айтиш мумкинки, Туркон хотун томонидан тайинлаган султон — Ўзлокшоҳ ворислиги бекор килинди. Хуллас, Жалолиддин Мангуберди энг мушкул, тахликали вазиятда ўзи йўғ-у номигина бор давлатнинг султонига айланди.

Тог багрида гуржилар худди зулмат сингари ёйилиб, Хоразмшоҳни кутиб турардилар. Уларнинг Султонни кўрган захоти килган биринчи киликлари — осмонни тешиб юборгудай кичкиришлари бўлди.

Икки томон орасида шиддатли жанг бўлиб ўтди. Окибат шу бўлдики, гуржилар маглуб бўлиб, Хоразм кўшинидан аранг кочиб кутулдилар.

Тарихчиларнинг ёзишича, уруш арафасида Шалва (гуржиларнинг энг кудратли лашкарбошиси) ракиб тараф элчисини кутиб олганида йиккан кўшинини пеш килиб, шундай деган экан: “Мен айна шу пайтда, давримда амир ал-мўъминин Али (ибн Абу Толиб хазрат Али, тўртинчи халифа) тирик бўлишини истардим. Шунда мен унга куч кандай бўлишини кўрсатиб кўярдим, у Бадр ва Хайбар жанглари эсдан чиқарарди”. Шалванинг бу мактанчоклиги асосида Бадр жанги — 624 йилнинг мартада Мухаммад (с.а.в.) тарафдорлари томонидан Ислом дини учун кураш жанги назарда тутилган. Бу кураш Арабистон ярим оролида исломнинг кенг тарқалишига йўл очиб берган. Хайбар — Мадина ва Дамашк оралигида жойлашган воҳа. 628 йилда Мухаммад (с.а.в.) томонидан забт этилди. Ривоят килишларича, хазрат Али иккала жангда ҳам ноёб жасорат кўрсатган.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Шалва жуда бакувват, улкан гавдали киши бўлган. У асир олингач, Жалолиддин хузурига олиб келинади. Шунда Султон унга шундай дейди: “Кани, сенинг Зулфикор киличинг?! (Хазрат Алининг шундай машхур киличи бўлган.) Кани, бу киличининг хаммани хайратга солувчи зарблари?” Шу гапдан сўнг, изза бўлган Шалва ислом динини қабул қилган экан...

Хуллас, Жалолиддин Мангуберди Озарбайжондаги отабеклар давлатини тарих сахнасидан чиқариб юборгач, Ширвон, кудратли Гуржистон империясини кулатди. Мавкеидан мўғуллар ҳам хайиқиб қолган Мангуберди 1227 йилнинг сентябрида асосий душман билан тўқнашди. Жанг аёвсиз кечади. Унда, айниқса, мўғуллар кўп талафот кўрадилар. Бирок жангнинг энг кизгин палласида Жалолиддиннинг укаси Гиёсиддин Пиршоҳ унга хоинлик қилиб, кўшинлари билан қочиб кетади. Лекин шунда ҳам Жалолиддин зафар қозонади, мўғуллар талафот кўриб, қочишга тушадилар. Мўғул лашкарбошиларида бири Тайнал нўён Жалолиддиннинг бу жангдаги жасоратини кўриб, шундай деган экан: “Хақиқатан ҳам у ўз даврининг баҳодири ва тенгқурларининг дохийсидир!”

Жалолиддин Мангубердининг Ватани, миллати ва динининг гурурини барча нарсадан устун қўйишини тарихчиларнинг ушбу қайдларидан ҳам билса бўлади.

...Хилотни камал қилиш пайтида Жалолиддин синглиси Хонсултондан хат олади, у тақдир тақозоси билан Чингизхоннинг ўғли Жўчининг хотини бўлган эди. Мактубда шундай дейилганди: “Сенинг кудратинг, кучинг ва мулкларининг улканлиги ҳақидаги хабар Хоконга етди. Шунинг учун у сен билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз чегарасини Жайхун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида қилишиб олмоқчи. Сенга — дарёгача бўлган, унга — дарёдан наридаги ерлар. Шунинг учун агар сен уларга қарши туришга куч йиголсанг, қасос ол, агар енгсанг, хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енгилсанг, кўзинг етмаса, фурсатдан фойдаланиб, уларнинг истаги бўйича сулҳ

туз!”

Бирок Хоразмшоҳ хатга жавоб ҳам ёзмади, уни худди кераксиз матоҳдай назарга олмади, ниятларидан чалгитувчи ундов деб билди.

Хоразмшоҳнинг атрофидаги давлатлар ҳукмдорлари — Кўниё султони Кайкубод И, Дамашк ҳокими Ал-Малик ал-Ашраф ва яна бошқа ҳукмдорлар билан муносабатини ижобий деб бўлмасди. Бундан билса бўладики, Жалолиддин дипломатия соҳасида бирмунча кизикконликка йўл қўйган. Айнан шу омил Мангубердининг асосий душман — мўғуллар олдида яққаланиб қолишига замин яратди.

Хоразмшоҳнинг олдиндан билиб бўлмас, тажовузкор ҳаракатлари олдидаги кўркув Кўниё султони Алоуддин Кайкубодни унга қарши иттифок тузишга олиб келди: бу иттифокка Дамашк ҳокими Ал-Малик ал-Ашраф, Хилот ҳокими Иброҳим Ширкух, Хартабарт ҳокими Артуххон, Халаб ҳокими Савоб, Маёфирикин султони Ал-Азиз Усмонлар кирди. Ал-Ашрафга юборган мактубида Кайкубод И бундай ёзади:

“Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди; унга хушомадгўйлик қилиб ҳам бир иш чиқазолмаяпмиз. Энди сўзларимиз ва ишларимизни қелишувга олиб келсак ва мамлакатларимизни химоя қилсак бас”.

1230 йил 7 августда Арзинжон яқинидаги Ясси Чаман текислигида Алоуддин Кайкубод И ва Хоразмшоҳ ўртасида илк тўқнашув бўлиб ўтди. 700 отлик билан душмanning 3000 кишилиқ сараланган суворийларига қарши борган Жалолиддин қолиб бўлди, рақибини яқсон қилди. Бирок Хоразмшоҳ ғалабадан тўлиқ фойдалана олмади: мағлубларни таъқиб этиб ўтирмади ва унинг бу ҳаракати душмanning тор-мор бўлишдан ҳалос этди. Вазиятдан фойдаланиб, ўзини ўнглаб олган иттифокдошлар 1230 йил 10 августда жанг бошладилар. Оқибатда Мангубердининг лашқари мағлуб бўлади ва тарқатиб юборилади. Жалолиддин аскарларидан ажраб, Хилот томонга от солади.

Хоразмшоҳ лашқарининг енгилганига қарамай, иттифокдошлар ҳаракатларини унинг ерларигача давом эттиролмадилар, чунки улар Султоннинг чекинишини бир ҳийла, деб тушундилар. Уларнинг қалбларини Мангубердидан кўркув ва эҳтиром шунчалик қамраб олган эдики, уни таъқиб этишга журъат эта олмадилар ва ортга қайтдилар.

Жалолиддиннинг Ясси Чаман яқинида тор-мор этилганини эшитган исмоилийлар мўғулларга Мангубердининг заифлашганини айтишади ва уларни ҳужумга ундайдилар. Мўғуллар бу хабарни эшитиб, 1230-31 йилларда Озарбайжонга бостириб қирдилар ва султони ҳолдан тойган мамлакатни тезда истило қиладилар. Мағрур, қайсар

Жалолиддин Мангуберди ночор аҳволда қолганидан турли мамлакатлар ҳукмдорларидан, хаттоки, аввал рақиб бўлган давлат ҳукмронларидан ҳам нажот истаб, ёрдамга чақиришга мажбур бўлади. Аммо ҳеч ким Ислоҳ дунёсининг ягона химоячисига ёрдам қўлини чўзмайди. Бу ҳам етмаганидек, мўғуллар Жалолиддиннинг кишловларга юборилган лашқарлари тўпланмасидан бурун Мангубердига ҳужум қиладилар.

Хоразмшоҳ бу аёвсиз ва оғир жангдан базўр қутулиб қолади....

1231 йил август ойида тушқунликка тушган Султон айш-ишрат ва сархушликка берилади. Шундай қунлардан биридан сўнг Жалолиддин қаттиқ маст бўлиб қолади ва қаттиқ уйқуга кетади. У хаттоки, ўрдасини мўғуллар ўраб олганини сезмай қолади. Унинг содиқ амирларидан бири Ўрхон аскарлари билан Мангубердини қийинчилик билан қутқариб қолади, уни мастлигича отга ўтказиб, қоптириб кетади. Йўлда Султон ўзига келади ва Ўрхонга душман қалғийди, деган ўйда бошқа тарафга кетишни амр қилади-да, ўзи бошқа йўлдан от солади.

...Атрофда юракни маҳзунлаштирадиган, қайғусиз жимлик. Фақат Мангуберди ва

оркада таъкиб этиб келаётган мўгуллар отлари туёкларининг шиддатли дупури. Бу одимлар Ватанпарварнинг хаётини хал киладиган даражада тахликали... Мана, Султонга иккита душман одами етиб олди. Килич сермади, йўк, тегмади. Найза отилди — Султон чап берди. Мангуберди жон холатда бор кучини тўплади ва... оркада келаётган душманлар икки мўгулнинг отдан кулаганини ва Хоразмшоҳнинг ўзларига карата киличини хавода сермаб, олга кетаётганини кўрдилар.....

...Жалолиддин Мангуберди от чоптириб кетди... Узокларга...

...Унинг ўлиmidан сўнг, мўгуллар бунга кўп йиллар ишонмай, юрак ховучлаб юрдилар. Халк Жалолиддин бу дунёдан кетганига ишонмади. Хизрни кўрган Мангуберди дарвешлар орасида бир сўфий кийимида Ислом мамлакатларида, халк ичида кезиб юрибди, деган ишонч билан унинг яна куч тўплаб бизни химоя килади, деб кутдилар. Улар холдан тойган Ватанпарварнинг бир курд томонидан номардларча халок этилиб кўйилишига ишонгилари келмади.

Бунга хатто ҳукмдорлар ҳам ишонгилари келмади. Ироки Ажам ноиби Шарафуддин Али Мангубердини излатиб ҳам кўрди. Жалолиддин улар учун енгилмас, жисман ҳам ўлмас қахрамон эди.....

Уни энди қадди эгик амирлари ҳам соғинч билан ёдга олардилар. Ўлганига ишонгилари келмасди. Бир воқеани унутиб бўлмасди. ...Исфохон яқинида беҳисоб мўгуллар лашкари яшириниб келаётганидан ваҳимага тушган хонлар Унинг оёғига бош уришди. Жалолиддин аввалига уларни бир оз куттириб қўйиб, сўнг бамайлихотир ҳузурларига чиқади. Султон хотиржамлик билан амирларига мўгуллар тўғрисида эмас, бошқа масалалардан сўз очади. Мангуберди бу билан душманни назар-писанд қилмаслигини билдирмокчи ва амирларни тинчлантирмокчи эди. Нихоят, узун суҳбатдан сўнг, Султон ҳозир бўлганларни ўтиришга таклиф этди ва мўгул масаласини муҳокама қилишга киришди...

Мангубердини сеҳр-жоду соҳиби деб, бунга ишонадиганлар ҳам унинг тирик эмаслигига шубҳаланиб қарадилар. Улар салтанатнинг сўнгги даврларида халқнинг иссиқдан ва сувсизликдан қийналаётганини кўриб, яда тоши воситасида ёмғир ёғдиришдек мўъжиза яратган Султоннинг ўлганига ишонмадилар.....

...Хаттоки, ҳозир ҳам Мангубердининг тириклигига ишонувчилар топилади. Зеро, Жалолиддиннинг ўзи шундай деган (М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмасидаги бобомиз образининг сўзлари):

...Мангуликдан жой олган — яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.
Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,
Балки сахро бағридан, тоғ этагидан,
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас гурбатда — гўрда.
Улугвор ниятларга қор қилмас ажал,
Ким юртдан ёв қувса —мендурман ўшал...

Жалолиддин Саъдинов